


III. ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА ҚУРИЛИШ

Жорий йилнинг январь–декабрьларида Тошкент шаҳрида иқтисодиёт ва ижтимоий соҳани ривожлантириш учун жами молиялаштириш манбалари ҳисобидан 44778,8 млрд. сўм асосий капиталга инвестициялар ўзлаштирилди ва 2019 йилнинг мос давриганаисбатан 96,5 % ни ташкил қилди.

Асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар ҳажми ва ўсиш суръати
(2020 йил январь–декабрь)



Асосий капиталга инвестицияларнинг ўзлаштирилган ҳажми бўйича туманлар кесимида Юнусобод тумани етакчилик қилмоқда. Ушбу ҳудудда жами асосий капиталга инвестицияларнинг 15,8 % ўзлаштирилди.

Шунингдек, Шайхонтоҳуртумани жами инвестициялар ҳажмидан 13,2 % ни, Миробод тумани 13,2 % ни ташкил этмоқда.

Олмазор тумани 9,8 % ва Чилонзортуманида ушбу кўрсаткич мос равишда 9,7 % ни ташкил этди.

Учтепа ҳамда Бектемир туманларида инвестициялар энг кам ўзлаштирилган бўлиб, ҳар бирининг Тошкент шаҳридаги улуши 4,3 % ва 3,3 % ни ташкил этди.

**Марказлашган ва марказлашмаган инвестицияларнинг ҳудудлар
бўйича тақсимланиши(2020 йил январь-декабрь)**

млн. сўм

	<i>Жами инвестициялар</i>	<i>Марказлашган</i>	<i>Марказлашмаган</i>
Тошкент шаҳри	44778837,0	5766945,1	39011891,9
<i>туманлар:</i>			
Бектемир	1479206,2	22217,2	1456989,0
МирзоУлуғбек	3248924,0	466413,9	2782510,1
Миробод	5912259,5	867851,0	5044408,5
Олмазор	4373612,2	400617,3	3972994,9
Сергели	2927922,6	607216,9	2320705,7
Учтепа	1932699,6	321013,0	1611686,6
Чилонзор	4331322,8	914661,7	3416661,1
Шайхонтоҳур	5930994,0	1085280,2	4845713,8
Юнусобод	7076337,6	863296,2	6213041,4
Яккасарой	3413255,6	79151,8	3334103,7
Яшнобод	4152302,9	139225,9	4013077,1

Марказлашган инвестицияларнинг асосий капиталга ўзлаштирилган ҳажми бўйича туманлар кесимида Шайхонтоҳур тумани етакчилик қилмоқда. Ушбу ҳудудда жами марказлашган асосий капиталга инвестицияларнинг 18,8% ўзлаштирилди.

Шунингдек, Чилонзор тумани жами инвестициялар ҳажмидан 15,9 %ни, Миробод тумани 15,0 % ни ташкил этмоқда.

Марказлашмаган инвестицияларнинг асосий капиталга ўзлаштирилган ҳажми бўйича туманлар кесимида Юнусобод тумани етакчилик қилмоқда. Ушбу ҳудудда жами марказлашган асосий капиталга инвестицияларнинг 15,9 % ўзлаштирилди.


Шунингдек, Мирободтумани жами инвестициялар ҳажмидан 12,9% ни, Шайхонтоҳур тумани 12,4 % ни ташкил этмоқда.

Молиялаштириш манбалари бўйича асосий капиталга инвестициялар
(2020 йил январь-декабрь)


	<i>Млрд.сўм</i>	<i>Ўсиш суръати, % да</i>	<i>Жамига нисбатан улуши, % да</i>
Асосий капиталга инвестициялар	44778,8	84,6	100,0
<i>шу жумладан:</i>			
Марказлашган инвестициялар:	5766,9	66,2	12,9
бюджет маблағлари	2958,0	84,4	6,6
Давлат мақсадли жамғармалари	83,1	101,5	0,2
Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси	829,2	62,6	1,9
Ўзбекистон Республикаси кафолати остидаги кредитлар	1896,6	49,8	4,2
Марказлашмаган инвестициялар:	39011,9	103,6	87,1
корхона маблағи	17110,0	115,6	38,2
аҳоли маблағи	1216,7	51,6	2,7
тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитлар	12196,4	92,7	27,2
тижорат банклари кредитлари ва бошқа қарз маблағлари	8488,8	113,6	19,0

Марказлашган ва марказлашмаган инвестицияларнинг жами асосий капиталга инвестициялар ҳажмидаги улуши, (умумий ҳажмга нисбатан, %да)

2019 йил январь-декабрь




2020 йил январь-декабрь



Марказлашган молиялаштириш манбалари ҳисобидан 5766,9млрд.сўм ёки 66,2 % (жами инвестициялар ҳажмининг 12,9 % га) кўп ўзлаштирилди, мос равишда, марказлашмаган молиялаштириш манбалари ҳисобидан 39011,9 млрд.сўм ёки 103,6% (жамиинвестициялардаги улуши 87,1 %).

Асосий капиталга ўзлаштирилган инвестицияларнинг марказлашган молиялаштириш манбалари




Асосий капиталга ўзлаштирилган инвестицияларнинг марказлашмаган молиялаштириш манбаларининг жами инвестициялар ҳажмидаги улуши, фоизда



Марказлашмаган инвестицияларнинг молиялаштириш манбалари асосан корхона маблағлари (жами инвестициялар ҳажмига нисбатан 38,2%), тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кафолатланмаган кредитлар (27,2%) ҳисобига тўғри келди.

Асосий капиталга ўзлаштирилган инвестицияларнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича таркиби, фоизда (2020 йил январь-декабрь)



Асосий капиталга инвестицияларнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича таркибида қайта ишлаш саноати етакчилик қилмоқда. Ушбу тармоқда жами молиялаштириш манбалари ҳисобидан 9861,6 млрд.сўм ёки жами асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг 22,0 % ўзлаштирилган.

Кейинги ўринда ташиш ва сақлаш тармоғи бўлиб, жами молиялаштириш манбаи ҳисобидан 7615,2 млрд. сўм ёки жами асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг 17,0 % ўзлаштирилган.


Саноат тармоғи таркибида энг кўп инвестиция ўзлаштирилган 3 фаолият тури қуйидагилар:

- Металлургия саноати 2410,5 млрд. сўм (жами асосий капиталга инвестициялардаги улуши 5,4 %);

- Электр ускуналари ишлаб чиқариш 1674,7 млрд.сўм (жами асосий капиталга инвестициялардаги улуши 3,7 %).

-Бошқа металл бўлмаган минерал маҳсулотлар ишлаб чиқариш 1050,6 млрд. сўм (жами асосий капиталга инвестициялардаги улуши 2,3 %);

Асосий капиталга ўзлаштирилган инвестицияларнинг мулкчилик шакллари бўйича технологиктаркиби




Асосий капиталга инвестицияларнинг технологик таркибида: Тошкент шаҳри бўйича қурилиш–монтаж ишларининг улуши 39,1% ни, машина, ускуна, инвентар сотиб олишга харажатлар 53,2 % ни ҳамда бошқа харажатлар улуши 7,7 % ни ташкил этди.

**Асосий капиталга инвестицияларнинг мулкчилик шакллари
бўйича технологик таркиби
(2020 йил январь-декабрь)**


	<i>Жами</i>	<i>Давлат</i>	<i>Нодавлат</i>
Жами, млрд. сўм	44778,8	5587,1	39191,7
<i>шу жумладан жамига нисбатан % да:</i>	100,0	12,5	87,5
Қурилиш – монтаж ишлари	17521,8	3632,1	13889,7
Машина, ускуна, инвентар	23831,6	1773,5	22058,1
Бошқа харажатлар	3425,4	181,5	3423,9

**Асосий капиталга инвестицияларнинг технологик таркиби, фоизда
(2020 йил январь-декабрь)**



Асосий капиталга инвестицияларнинг технологик таркибида: Қурилиш – монтаж ишлари бўйича Олмазор туманида 50,7 % ни, Шайхонтохур туманида 49,8 % ни, Мирзо Улуғбек туманида 47,4 % ни, Сергели туманида 42,1 % ни ҳамда Учтепа туманида 42,0 % ни ташкил этди. Машина, ускуна, инвентар сотиб олишга харажатлар бўйича Бектемир туманида 75,3 % ни, Юнусобод туманида 64,8 % ни, Яшнобод туманида 63,2 % ни, Чилонзор туманида 56,9 % ни ҳамда Миробод туманида 54,2 % ни ташкил қилди.

**Асосий капиталга инвестицияларнинг такрор ишлаб
чиқариш таркиби, фоизда
(2020 йил январь-декабрь)**



■ Янги қурилиш

■ Бошқалар

■ Кенгайтириш, реконструкция, модернизация, техник қайтақуроллантириш

Асосий капиталга инвестицияларнинг такрор ишлаб чиқариш таркибида: Янги қурилиш бўйича Сергели туманида 57,5 % ни, Олмазор туманида 52,2% ни, Чилонзор туманида 49,3 % ни ҳамда Учтепа туманида 49,2 % ни ташкил этди. Кенгайтириш, реконструкция, модернизация, техник қайтақуроллантириш бўйича Шайхонтоҳуртуманида 32,4 % ни, Олмазор туманида 31,6 % ни, Яккасаройтуманида 30,0 % ни ҳамда асосий капиталга инвестицияларнинг такрор ишлаб чиқариш таркибида бошқалар йўналишида Яшнобод туманида 48,3 % ни ва Учтепа туманида 42,0 % ни ташкил қилди.

**Иқтисодий фаолият турлари бўйича ўзлаштирилган
асосий капиталга инвестициялар
(2020 йил январь-декабрь)**

	Млрд.сўм	Жамига нисбатан улуши, % да	
		2019й.	2020й.
Асосий капиталга инвестициялар - жами	44778,8	100,0	100,0
<i>шу жумладан иқтисодий фаолият турлари бўйича:</i>			
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	330,4	0,7	0,8
Тоғ - кон саноати	670,0	2,2	1,5
Ишлаб чиқариш саноати	9861,6	29,5	22,0
Санъат, қўнғил очиш ва дам олиш	2098,1	6,2	4,7
Сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш	191,5	0,3	0,5
Қурилиш	3500,0	8,3	7,8
Улгуржи ва чакана савдо, моторли транспортвоситалари ва мотоциклларни таъмирлаш	2305,6	5,2	5,1
Ташиш ва сақлаш	3194,4	7,1	7,1
Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	1167,4	2,1	2,6
Ахборот ва алоқа	3957,4	11,1	8,8
Молия ва суғурта фаолияти	1536,0	4,0	3,4
Профессional, илмий ва техник фаолият	2491,4	5,6	5,6
Таълим	955,2	2,2	2,1
Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	2323,4	3,4	5,2
Бошқа фаолият турлари	10196,4	12,1	22,8

Иқтисодий фаолият турлари бўйича асосий капиталга инвестицияларнинг ўзлаштирилиши: Ишлаб чиқариш саноати 9861,6 млрд. сўм (жами инвестициялар ҳажмидаги улуши 22,0 %), озиқ-овқат, ичимлик ва тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш фаолияти турида 952,4 млрд. сўм (2,1 %), металлургия саноати ишлаб чиқариш фаолияти турида 2410,6 млрд. сўм (5,4 %), кимё маҳсулотлари ишлаб чиқариш фаолияти турида 355,3 млрд. сўм (0,8 %), бошқа нометал минерал маҳсулотлар ишлаб чиқариш фаолият турида 817,1 млрд. сўм (1,8 %), тўқимачилик маҳсулотлари ва кийим-кечак ишлаб чиқариш саноатида 762,8 млрд. сўм (1,7 %), электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш фаолият турида 1342,0 млрд. сўм (3,0 %), қурилиш фаолияти турида 3500,0 млрд. сўм (7,8 %), ташиш ва сақлаш фаолият турида 3194,4 млрд. сўм (7,9 %), улгуржи ва чакана савдо, моторли транспорт воситалари ва мотоциклларни таъмирлаш фаолият турида 2305,6 млрд. сўм (5,1 %), ахборот ва алоқа фаолият турида 3957,4 млрд. сўм (8,8 %), соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш 2323,4 млрд. сўм (5,2 %), таълим соҳасида 955,2 млрд. сўм (2,1 %), жами фаолият турларидан ташқари турар жой қурилишида 4011,1 млрд. сўм (8,9 %) инвестициялар ўзлаштирилди.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича асосий капиталга инвестициялар таркиби, фоизда (2020 йил январь-декабрь)



Асосий капиталга хорижий инвестиция ва кредитлар

2020 йил январь-декабрь ойларида 14093,0 млрд. сўм ёки 2019 йил январь-декабрь ойларига нисбатан 83,8 % асосий капиталга хорижий инвестиция ва кредитлар ўзлаштирилди. Хорижий инвестиция ва кредитларнинг жами асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялардаги улуши 31,5 % ни ташкил этди. Хорижий инвестиция ва кредитларнинг энг катта улуши Шайхонтохур туманида 16,2 %, Юнусобод туманида 15,6 %, Миробод туманида 15,0 % кузатилди.

Худудларда ўзлаштирилган хорижий инвестициялар
(2020 йил январь-декабрь, млрд.сўм)

	Жами хорижий инвестиция ва кредитлар	шу жумладан:		Тўғридан-тўғри ва бошқа инвестиция ва кредитлар	шу жумладан:	
		инвестиция	кредит		инвестиция	кредит
Тошкент ш.	14093,0	7620,4	6472,6	9564,6	4988,5	4576,1
<i>туманлар:</i>						
Бектемир	568,1	425,7	142,4	245,4	103,0	142,4
Мирзо Улуғбек	512,2	484,1	28,1	271,0	254,3	16,7
Миробод	2107,3	1662,7	444,6	1659,9	1537,3	122,6
Олмазор	1600,8	1466,6	134,2	312,2	245,0	67,2
Сергели	617,6	269,0	348,6	495,1	146,5	348,6
Учтепа	554,8	403,4	151,4	534,4	388,3	146,1
Чилонзор	1479,2	250,1	1229,1	1312,1	218,4	1093,7
Шайхонтохур	2296,2	1142,1	1154,1	1440,2	1110,1	330,1
Юнусобод	2200,1	495,4	1704,7	1474,9	262,3	1212,6
Яккасарой	778,0	760,0	18,0	476,8	472,1	4,7
Яшнобод	1378,7	261,3	1117,4	1342,6	251,2	1091,4


Хорижий инвестиция ва кредитларни ўзлаштириш (млрд. сўм)



Тўғридан-тўғри ва бошқа хорижий инвестиция ва кредитларнинг ўзлаштирилган ҳажми 2020 йилнинг январь-декабрда 7620,4 млрд. сўмни ёки ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 76,8 % ни ташкил қилди.

Айрим иқтисодий фаолият турлари бўйича хорижий инвестиция ва кредитлар таркиби, фоизда

2020 йил январь-декабрь



Қуйидаги иқтисодий фаолият турлари бўйича хорижий инвестиция ва кредитлар энг кўп ўзлаштирилди: Ишлаб чиқариш саноати 28,0 % ни ташкил этиб ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 9,5 % га камайган.

Шу билан бирга, қуйидаги иқтисодий фаолият турларига хорижий инвестиция ва кредитлар кам ўзлаштирилди: улгуржи ва чакана савдо 2,0 %, тоғ-кон саноати 4,0 %, профессионал, илмий ва техник фаолият 4,0 % ни ташкил қилди.

Ижтимоий соҳа объектларининг қурилиши


Ижтимоий соҳада жорий даврда жами умумий майдони 587,8 минг кв.м. бўлган 3704 та турар жой объекти янги қурилиб ишга туширилган.

Ишга туширилган турар жойларнинг ҳудудлар кесимида кўрадиган бўлсак, энг кўпи Яшнобод туманида ишга туширилган 142 минг кв.м ва у шаҳар бўйича ишга туширилган жами умумий майдоннинг 24,2 % ни ташкил этди. Кейинги ўринларда, Мирзо Улуғбек тумани эгаллаган бўлиб, 134,2 минг кв.м. шаҳар бўйича ишга туширилган жами умумий майдоннинг 22,8% ни ташкил этишган.

Қурилиш ишлари

Жорий йилнинг январь-декабрь ойларида 18758,8 млрд. сўм ёки 2019 йилнинг январь-декабрга нисбатан 104,1 % қурилиш ишлари бажарилди.

2020 йил январь-декабрь ойларида туманлар кесимида қурилиш ишларининг ўсиш суръати, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан фоизда




Қурилиш ишлари бўйича юқори ўсиш суръатлари қуйидаги туманларда кузатилди: Учтепа туманида 112,0 % ва ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати 137,5 %


(25,5 % пунктга камайди) , мос равишда, Миробод, Олмазор туманларида 104,0 % ва 103,6%дан бўлиб (3,1 % ва 66,9 % пунктга), Яшнободҳамда Шайхонтоҳур тумани 103,6 % ва 103,3 % дан бўлиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 25,6 % ва 9,9 % пунктга камайди. Нодавлат мулкчилик шаклидаги ташкилотлар томонидан 18048,4 млрд. сўмлик қурилиш ишлари амалга оширилиб, жами қурилиш ишлари ҳажмидаги улуши 96,2 фоизни ташкил қилди.

Мулкчилик шакллари бўйича қурилиш ташкилотларининг ўз кучлари билан бажарган қурилиш ишлари тақсимоги
(умумий ҳажмга нисбатан фоизда)

2019 йил январь-декабрь



2020 йил январь-декабрь



- Давлат мулки
- Фуқаролар хусусий мулки
- Қўшма корхоналар, чет эл фуқаролари ва ташкилотлари мулки
- Бошқа мулкчилик шакллари

Иқтисодий фаолият турлари бўйича бажарилган қурилиш ишлари
(млрд. сўм)



Қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 57,2 фоизи биолар ва иншоотларни қуриш бўйича қурилиш ишлари, 21,4 фоизи фуқаролик қурилиши объектларини қуриш бўйича қурилиш ишлари ва 21,4 фоизи ихтисослаштирилган қурилиш ишларига тўғри келди.